




- * Дукчи Эшон қарғишига учраган хойнлар
- * Пайғамбарни ҳақоратлагани учун ёзувчи судланди
- * Муборак газчилари эҳтиёжни таъминлай оладими?
- * Пулдорлар ҳам оддий хордиқ чиқаришаркан



Элим деб, юртим деб,

ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 11 март Шанба.
№ 21 (14303)

ТОШКЕНТ ТАШАББУСИ Қўллаб-қувватланмоқда

1999 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистонда қатор хорижий давлатлар ва мамлакатимиз олим, мутахассис ва дин арбоблари иштирокида халқаро аҳамиятга молик "Дин ва демократия" мавзуида динлараро сиёсий анжуман-мулоқот бўлиб ўтган эди.

Ушбу анжуманда 2002 йилни "Халқаро терроризм ва экстремизмга қарши динлараро бирдамлик йили" деб эълон этиш тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига мурожаатни ўзида мужассам этган "Диний-сиёсий терроризм ва экстремизмга қарши Тошкент резолюцияси" қабул қилинганди. Мазкур мурожаат ва резолюция жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди.

Айни пайтда ушбу ҳужжатнинг жаҳон оммавий ахборот воситаларида ёритилиши унинг нечоғлик долзарб ва муҳимлигини кўрсатади. Хусусан, Мисрнинг "Ал-Лива ал-ислабий" газетаси Тошкент ташаббусининг муҳимлигини таъкидлаб

қуйидагиларни ёзди:

"Тошкентда бўлиб ўтган анжуман иштирокчилари бошқа самовий динлар вакилларига мурожаат этиб, экстремистик ва террористик гуруҳларнинг кўпуровчилик ҳаракатларини амалга оширишга ундовчи диний шиорларидан жабр зулм йўлида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидладилар. Диний-сиёсий терроризм ва экстремизм чиндан ҳам ҳақиқий диний эътиқодга ҳеч қандай алоқаси йўқдир."

Илгари хабар қилинганидек, мазкур резолюция Ал-Азҳар университети ректори, профессор Аҳмад Умар Хошим ва ушбу олий билим юрти проректори, профессор Така Абу Курайша томонидан қўллаб-қувватланган эди.

Бахтиёр ИРИСОВ,
"Жаҳон" АА муҳбири,
Қоҳира

Республика прокуратурасида

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда прокуратура идораларининг мамлакатда қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасида ўтган йилги иш якунлари ва жорий йилдаги вазифалари муҳокама этилди. Республика Бош прокурори Р.Қодиров маъруза қилди.

Мажлисида ўтган вақт мобайнида республика прокуратураси идоралари томонидан мамлакатимизда қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Шу билан бирга мажлисида прокуратура идоралари фаолиятидаги мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўлларига эътибор қаратилди. Жиноятчиликнинг, шу жумладан унинг диний экстремистик кўринишларининг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар фаолиятини тўғри ташкил қилиш ва бу йўналишда фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар кўмиталари каби жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада яхшилаш зарурли-

ги қайд қилинди.

Мажлисида вилоят, туман ва шаҳар прокурорларига қишлоқ хўжалиги, айниқса деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантириш, кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни ҳамда бозор муносабатларини тараққий эттириш, иқтисодиётимизга чет эл сармоясини кенг жалб қилиш сингари муҳим соҳалардаги ҳар қандай қонунбузарликларга бутунлай барҳам бериш юзасидан зарур чоралар кўриш вазифаси топширилди. Айниқса иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, тadbиркорларнинг фаолиятига назорат идораларининг, хусусан прокурорларнинг ноқонуний аралашувига қатъий чек қўйиш юзасидан талаблар қўйилди. Мамлакатимизда 2000 йилнинг "Соғлом авлод йили" деб эълон қилиниши муносабати билан бу борада прокуратура идоралари олдида турган долзарб вазифаларнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Мажлисида муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.


(ЎЗА)

Ярим финалчилар аниқланди

Мамлакат кубогининг чорак финали баҳсида қатнашаётган жамоалар такрорий учрашувларни ўтказди. Жиззахнинг "Сўғдиёна" жамоаси ўз майдонида самарқандлик футболчиларни қабул қилиб, 0:3 ҳисобида мағлубиятга учради. Икки учрашув якунига кўра /7:0, 3:0/ самарқандлик футболчилар ярим финал мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шу кунга бўлиб ўтган бошқа учрашувлар натижаларига кўра "Насаф", "Нефтчи", "Дўстлик" жамоалари ҳам ярим финалга йўлланма олди.

Йўлчи ЖўРА,
ЎЗА муҳбири



Ижод оғушида. "Ёшлар" радиоси ходими, ёш шоир Файрат МАЖИД шеърлари билан 5-саҳифада танишинг

Соврин кимга насиб этаркин?

Бухоро вилояти ҳоқими қарори билан "Йилнинг энг яхши мактаби" соврини таъсис этилди. Унга сазовор бўлиш учун икки босқичда кўрик-танлов ўтказилади. Ҳар йили 15 июлгача шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурда тузилган ташкилий кўмита энг яхши кўрсаткичга эришган битта мактабни танлайди. Сўнг улар вилоят босқичида қатнашади.

Танлов шартларини тўлиқ адо этган

ўқув даргоҳи вилоят ҳокимининг махсус соврини замонавий компьютер билан тақдирланади. Иккинчи ўринни эгаллаган мактаб 300 минг сўмлик ижтимоий-сиёсий ва бадий китобларни қўлга киритади. Учинчи ўринга эса 150 минг сўм пул мукофоти қўйилган.

Илҳом САФАР,
ЎЗА муҳбири

ЁШЛАРГА ИШОНЧ

Тўқсон биринчи йилнинг бошлари эди. Москвада бўлган бир анжуманда "Шундай кунлар келади-ки, ўзбек журналлари дунёнинг турли чеккаларидан ўз интервьюларини беришади", деганимда мени сўроққа тутишганди. Чунки ўша пайтдаги орзуим ноўрин эди.

Мана бугун йиллаб қилган ниятларимизга етдик. Биз катталар тугул ёшлар ҳам хорижий давлатлар пойтахтларидан ўз кўрсатувларини тайёрлапти. Фалон мамлакатдан "Ўзбекистон телевидениеси учун махсус", деган репортаж пайдо бўлди. Бу фақат ва фақат мустақиллик шарофати билан журналистларга яра-

тилган имконият. Бугун шундан хурсандманки, ўзбек матбуотида ёшлар кўпайпти. Уларда дадиллик, ҳозиржавоблик етарли. Энг асосийси миллати тақдирига эътиборсиз эмас.

Хукуматимиз ҳеч замонда бўлмаган хурматни журналистларимизга кўрсатяпти. Бунинг исботини яна бир бор "Офарин" республика танлови исботлаб берди. Демакки, бу эътибор ва эъзоз учун ҳали журналистларимиз янада кўпроқ, янада дадилроқ, янада ҳалолроқ ишлашлари керак.

Абдуазим АЛИМОВ,
тележурналист

КЎНГИЛДАГИ МУДДАО

"Офарин" танловини республикамизда илк бора ўтказишга биз ижодкорларнинг кўнглини кўтариб юборди. Яхши томони бу танлов маънавий ҳаётимизнинг турли йўналишларида ўтаётганидир. Жамоамиз билан "Офарин"га тавсия этилган номзодлар рўйхатида ёшларнинг кўпчилиги шунингдек, адабиёт ва санъат йўналиши бўйича Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонованинг ҳам номзодини

кўриб, хурсанд бўлдик. Ўз элига, Ватанига хизмат қилаётган фидоий ижодкорларнинг танловда ҳаққоний тақдирланишига ишонамиз. Ўйлаймизки, бу танлов мамлакатимиз маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб қолади.

Феруза ЖЎРАЕВА,
Қашқадарё вилояти
"Китоб тумани" газетаси
муҳбири



МУНОСИБ НОМЗОД

Республикамиз маданий ҳаётида муҳим воқеа — "Офарин" — йилнинг энг яхши ижодкори республика танловининг ўтказилиши дилимиздаги айни муддао бўлди. Адабиёт, санъат, матбуот ва, телерадиожурналистика йўналишларида сермахсул меҳнат қилаётган ижодкорларнинг сара асарлари ўзининг муносиб баҳосини олишига ишонамиз. Меҳнатга яраша мукофот эса кўнгилда гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотади.

Танловда матбуот йўналиши бўйича маданий-маърифий мавзудаги туркум мақолалари учун кўпчиликка яхши таниш, таниқли шоира Турсуной Содиқованинг ҳам номзоди борлиги мени беҳад қувонтирди. Унинг ўзбек аёлини эъзозлаш, улуғлаш, қадрини кўтаришга қаратилган кўплаб асарлари ёшларга маълум ва маъқул.

Танлов шiori: "Шу азиз Ватани, азиз халқимизни, мусаффо осмонимиз ва она заминимизни ҳар қанча улуғласак, ҳар қанча куйласак — оз!" Бас, шундай экан, танлов ҳам давомий бўлиб, анъанавий тус олишига умид қиламиз.

Азиза ИЛҲОМОВА, талаба

Президент фарзандлари

Улугбек Тожиев 1979 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1998 йили Жаҳон иқтисодиёти ва Дипломатия университети ҳуқуқшунослик факультетини битирган. "Умид" жамғармаси имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган Улугбек яқинда Америка Қўшма Штатлари Коннектикут университетининг юридик факультетида магистратура мутахассислиги бўйича ўқиб қайтди. Фикрлари дадил, ўзи журъатли бу йигитнинг Америка таассуротлари билан яқиндан танишдик. Айтганча, Улугбек айни пайтда Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультети талабаларига "Инсон ҳуқуқлари" фанидан дарс бермоқда.

— Улугбек, хорижда ўқишни орзу қилганмидингиз?

— Доимо. Айниқса Америкада ўқисам дердим. Ниятларим холис эканми, болаликдаги энг катта орзуимга эришдим.

— "Умид" синовларида қийинчиликлар бўлмади?

шунтириб беради. Иккинчи сўрашда эса очик мулоқотда, яъни талаба ва домла ўртасида савол-жавоб бўлади.

— Профессорнинг маърузаси-чи?

— Маъруза услубида дарс ўтиш Американинг ҳуқуқшунослик

чиққанлигини билишимиз зарур. Яхши тарафи, шароит етарли. Талаба керакли адабиётларни кутубхоналардан қидириб юрмайди. Компьютер интернет тармоғига уланади, керакли маълумотларни олади. Бу эса вақтдан унумли

УЛУГБЕК АМЕРИКАНИ КАШФ ЭТДИ



мактабларида асп бошидан рад этилган экан.

— Сабаб?

— Сабабини мен ҳам суриштирганимда, бу усулни жуда зерикарли, талаба ўзи ўргана оладиган нарсани домла яна такрорлаши бундай дарс жараёнида талаба ҳам, профессор ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга кўп жавоб топа олмасликларини айтишди. Америкаликларда буюк мутафак-

— Йўқ. Чунки синовга кучли тайёрланганим. Ўзимга ишонардим, бироқ мендан кучли чиқиб қолса-чи, деган фикр юрагимни гаш қиларди. Имтиҳон тўрт босқичдан иборат бўлди. Барибир билимингиз бўлса ютиб чиқасиз.

— Америка университети учун сиз янги талаба бўлдингиз...

— Мен таълим олган университетнинг магистрлик ўқув тизими талабани кўпроқ мустақил ишлашга ўргатади. Ҳар бир дарснинг мавзуси талабаларга олдиндан тарқатилади. Ўқиб келиниши лозим бўлган адабиётлар кўпинча 160-200 бетни ташкил қилади. Дарс вақтида профессор берилган мавзунинг талабага тушунар-сиз бўлган терминларини ту-

кир Сукрот услуби — ҳақиқатга савол-жавоб орқали эришилади, деган ақида бор.

— Ҳуқуқшунос бўлиш учун тил ўрганишнинг қандай аҳамияти бор?

— Аҳамияти жуда катта. Биласизми, бунинг ўзимда синаб кўрдим. Инглиз тилини ўрганганим, биринчидан, хорижда қийналмасдан ўқишимга имкон берди. Иккинчидан, ҳар қандай ҳуқуқшунос жаҳон тажрибасини ўрганиши учун ҳам тил билиши шарт деб ўйлайман.

— Ўқиш давомида қандай муаммоларга дуч келдингиз?

— Муаммолар кўп эмас. Дарслар ҳар доим ўз вақтида бўлади. Амалиётга кўпроғу, назарияга эътибор кам. Балки, улар учун бу тўғридир. Аммо биз ўша ўрганаётган нарсамизни қаердан келиб

фойдаланишнинг самарасини беради. Умуман айтганда хорижий талабалар (бошқалар ҳам) ҳаётда ўзи учун қулай бўлган нарсани танлашади.

— Университетдаги баҳолар тизими ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Баҳолар ҳарфлар асосида белгиланади. Масалан: А-аъло, В-яхши, С-қониқарли қолган ҳарфлар 0 ни билдиради.

— Бир ишни ўйлаб қиласизми ёки тўсатдан?

— Етти ўлчаб бир кесаман. Ҳар куним эса режа асосида ўтади.

— Инглиз тили, ҳуқуқдан бошқа қайси фанларга қизиқасиз?

— Фалсафа, психология, сиёсатшуносликка. Айниқса, футбол ишқибозиман.

— Ҳозирдан талабаларга дарс беряпсиз. Уларнинг кўпчилиги сиз тенги ёшлар...

— Тўғри, лекин шуниси яхши бўлар экан. Мендан домла деб ҳайқишмайди, ўзларига яқин олишади. Саволларини ҳам тортинмай беришади.

— Бугунги кун ёшларида нималарни кўришни истардингиз?

— Биласизми, биз ўз устимизда кам ишлаймиз. Ҳали ҳам миямизда ҳамма нарсани давлат қилиши керак деган фикр бор. Ёшлар мустақил фикрга эга бўлишларини жуда-жуда хоҳлардим.

Ҳа, юрагида журъати бор ёшлар ҳар жойда қадрланади. Юртга битирувчилар эмас, эркин, мустақил фикрловчи мутахассислар керак. Зеро, Ватан ана шундай ёшларга ишонади ва уларга таянади.

ЗИЁДА,
"Туркистон" муҳбири

Э Ў Л О Н

Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Қамолот" жамғармаси бошқаруви 2000 йил учун "Қамолот" жамғармаси мукофоти совриндорларига танлов эълон қилади

2000 йил учун "Қамолот" жамғармаси мукофоти кўйидаги 5 та йўналишда берилади:

* **Маънавият соҳасида** — миллий ва умумбашарий қадриятларни юксалтириш, ёшларимиз орасида ақидапарастликнинг олдини олиш борасидаги илмий ва ижодий ишлар ҳамда амалий соҳадаги фаолият учун;

* **Ватанпарварлик соҳасида** — профессионал ҳарбий хизмат ва ҳарбий ватанпарварликни тарғиб этиш йўналишида;

* **Тиббиёт соҳасида** — халқ саломатлиги, оналик ва болалик саломатлиги муҳофазаси соҳаларида амалга оширилаётган давлат дастурларини рўйбга чиқариш борасидаги фаолияти

учун;

* **Спорт соҳасида** — қўлга киритган ютуқлари ва ёшлар орасида спорт турларини ривожлантириш борасидаги амалий фаолияти учун;

* **Санъат соҳасида** — ўзбек миллий санъати анъаналарини давом эттириш ва мазкур соҳада эришган ютуқлари учун.

"Қамолот" мукофоти совриндорлиги учун танловларда иштирок этишни хоҳловчи 14 ёшдан 35 ёшгача бўлган шахслар жорий йилнинг 1 июнига қадар мукофот комиссиясига кўйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

Кадрлар маълумотномаси (тегишли тарзда тўлдирилган ва иш жойидан тасдиқланган ҳолда);

2 дона 4Х6 фотосурат;

Танловга тавсия этилаётган иш, лойиҳа ёки фаолиятда эришилган натижалар ҳақида маълумот;

Ишга тегишли фото, аудио ва видео материаллар (агар мавжуд бўлса);

Мутахассислар, тегишли ташкилотларнинг хулосаси.

Мукофот комиссиясининг манзили:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 11-уй,

"Қамолот" жамғармаси

бошқаруви биноси, 5-хона

Тел: 41-00-50, 41-00-83



Газ хом ашёсини қайта ишлаб, уни турли кимёвий унсурлардан тозалаб олтингургурт, конденсат, пропан-бутан фракцияси — суюлтирилган газ ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳаётда кўп эмас. Борларининг ҳам ишлаб чиқариш қувватлари анча паст.

Муборак газни қайта ишлаш заводи — бу 4 мингтага яқин катта-кичик технологик қурилмалардан иборат мураккаб санат иншоотидир. Корхонада маҳсулот чиқариш узлуксиз давом этади. Электр ва иссиқлик ҳамда сув заводни ҳаракатлантириб турувчи муҳим омил ҳисобланади.

Корхона хом ашёни Қашқадарё ва Бухоро вилоятларининг жуда катта ҳудудлари бўйлаб, то Амударё қирғоқларигача чўзилган конлардан олади. Конлардан тортилган газ пўлат қувурлар орқали заводга олиб келинади. Уртабулоқ ва Денгизкўл конларининг газ таркибида олтингургурт 4,5-5 фоизга етади. Култоқ, Зеварда, Помук конларидан олинаётган газ таркибида олтингургурт нисбатан кам — 0,08-0,3 фоиздан ошмайди. Газ таркибида олтингургуртдан ташқари бир куб метрга ҳисоблаганда 17 дан 80 граммгача конденсат мавжуд. Кимёгарларга яхши маълумки, бундай газларни қайта ишлаш мураккаб жараён. Уларни тозаламасдан фойдаланиб бўлмайди. Муборак газни қайта ишлаш заводи (дастлаб олтингургурт корхонаси)ни куриш эҳтиёжи мана шундан келиб чиққан эди.

1971 йил 31 декабрь куни завод ўзининг биринчи маҳсулотини чиқарди. Дастлаб корхона қуввати йилига 5 млрд. кубометр газни қайта ишлаб, икки турдаги маҳсулот — олтингургурт ва тозаланган газ ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритганидан кейин заводимиз ҳаётида муҳим давр бошланди. Мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда ёнилғи-энергетика потенциалининг аҳамияти катта. Шу боис, Президент Ислам Каримов истиқлолнинг дастлабки давридаёқ заводнинг йиллик газ тозалаш қувватини 30 миллиард кубометрга етказиш

вазифасини қўйди. Шу мақсадда катта ҳажмда ташкилий-техникавий ишлар бажарилди. 1-навбатнинг эскирган қурилмалари янгиланди, уларга қўшимча янги объектлар қад ростлади.

1996 йилда ҳукуматимизга, шахсан Президентимизга олдимизга қўйилган топшириқ бажарилгани ҳақида рапорт бердик. Аммо бунга осонликча эришилгани йўқ. Ҳеч кимга сир эмас, собиқ Иттифоқ қулаши билан мустақиллигимизни кўролмаган кимсалар Ўзбекистон инқирозга юз тутди, ишлаб чиқариш издан чиқади, санат корхоналари тўхтаб қолади, дея "башорат"лар қилган. 1992-93 йилларда ва ундан кейин ҳам малакали мутахассислар ўзларининг ватанлари бўлмиш Россия, Украина ва бошқа республикаларга кўчиб кета бошлашди. Ана шу даврда аён бўлдики, завод ташкил этилганидан бери ма-


моқда.

Хорижий давлатлардаги фирмалар билан ўзаро манфаатли алоқалари ўрнатилди. Швейцариянинг "Зульцер" фирмаси ёрдамида газ ишлаб чиқариш қувватларини ошириш мақсадида 4-цехнинг 12-блокида абсорбентлардаги тўрсимон тарелкалар "Меллапак"насадкалари билан алмаштирилди. Американинг "ДАУ Хемикел" фирмаси билан газни қайта ишлашда янги абсорбентларни қўллашни йўлга қўйдик. "Юнион Харбайд" фирмаси нордон газлар таркибидаги олтингургурт миқдорини ошириш мақсадида танловчанлик хусусиятига эга бўлган абсорбентларни қўллаш устида иш олиб бормоқда.

Канаданинг "Прокор" фирмаси билан экспорт қилинадиган олтингургуртни жаҳон стандартлари асосида грануллайдиган қурилма ўрнатиш чоралари кўриля-

лоят халқи турмуш даражасини яхшилаш ишига ҳам катта ҳисса қўшяпти. Мустақилликкача газ конларининг устида жойлашган Муборак туманидаги биронта ҳам қишлоққа табиий газ ўтказилмаган эди. Ҳозиргача беш йил ичида туманнинг қарийб 30 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган масканлари газ билан таъмин этилган. Масалан, Қарлик, Хитой, Кўхнашаҳар, Сарик қишлоқлари аҳолиси бугунги кунда газдан баҳраманд бўлди. Касби районининг Қатаған, Майманак қишлоқларида газлаштириш қизғин давом эта-япти. Заводимиз ажратган маблағ ҳисобига юздан зиёд турар жойлар, мактаб ва мактабгача таълим масканлари, спорт-соғломлаштириш объектлари қурилди ва қурилмоқда. Муборак шаҳрида футбол ўйингоҳи, соғломлаштириш мажмуи, теннис корти, нон заводи барпо этилди. Рес-

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚОН ТОМИРИ



публиканинг хайрия жамағмаларига ҳар йили салмоқли маблағлар ўтказиб берилмоқда. Завод Яккабоғдаги қариялар, Қамашидидаги меҳр-мурувват уйлари-га кўп йиллардан бери оталиқ қилиб келаётир.

Заводда ишловчиларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ишчи ва ходимларнинг ўртача иш ҳақи ҳозир 22 минг

ҳаллий миллат вакилларидан ҳеч ким раҳбарлик лавозимларига ва масъул участкаларда ишлашга яқин йўлатилмаган экан. Ваҳоланки 1992 йил охирида заводда 52 нафар маҳаллий миллатга мансуб олий маълумотли мутахассисдан оддий ишчи сифатида фойдаланилган. Шунга қарамай, дунёнинг турли бурчақларидан раҳбарликка, бош мутахассислик лавозимларига ишлашга мутахассислар чақириб келинган.

Биз бунга тезда барҳам бердик. Кадрларни гуруҳлаб чиқдик, ўқитдик, қайта тайёрладик, иш устида синаб кўрдик. Натижа ёмон бўлмади. Заводнинг янги объектларини қуришда ва уларни ишга тушириш жараёнида маҳаллий кадрларимиз катта синовдан ўтишди. Ҳозир 13 та цехдан 11 тасига маҳаллий миллат вакиллари бўлган мутахассислар раҳбарлик қилмоқда. Бош муҳандис, бош механик, ишлаб чиқариш бошлиғи ва бошқа ўндан ортиқ масъул участкаларни кечаги оддий ишчилар муваффақият билан бошқариш-

тир. БМТнинг "Юнидо" ташкилоти билан атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлайдиган объектлар қурилмоқда.

Заводимизда шу кеча-кундузда конденсат ва суюлтирилган газ ишлаб чиқариш топшириқлари ортиғи билан адо этилмоқда.

Муборак газни қайта ишлаш заводи маҳсулотлари бугунги кунда мамлакатимиздан олис-олисларда ҳам ўз харидорларига эга эканлиги бағримизни ғурурга тўлдиради. Хорижлик харидорлар орасида Америка, Германия, Малайзия, Англия, Финляндия, Россия давлатларининг фирмалари бор.

Муборак газни қайта ишлаш заводи-ни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашнинг 2010 йилгача мўлжалланган истиқбол режалари белгиланган. Бу режалар босқич-ма-босқич амалга оширилмоқда. Яқин йиллар ичида корхонадаги технологик жараёнларни автоматик усулда бошқарувни йўлга қўямиз.

Заводимиз республика, жумладан, ви-

сўмдан зиёдни ташкил қилади. Даромадимизнинг бир қисмини кадрларни ўқитиш, уларни қайта тайёрлаш учун сарфляяпмиз. Тошкент, Бухоро ва Қарши давлат университетлари, техника олийгоҳлари, коллежлар ва малака ошириш курслари билан шартнома асосида иш олиб борилаётир. Чунки қўлга киритган ютуқларимизга кадрлар муаммосини тўғри ҳал эта олганлигимиз туфайли эришдик.

2000 йилда корхонамиз жамоаси зиммасида жуда катта вазифалар турибди. Бу йил ўтган йилга қараганда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини бирмунча ўстириш, ишчилар ва инженер-техник ходимларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этишни янада яхшилаш каби кўп тадбирларни белгиланганмиз. Албатта биз режалаштираётган ишларни амалга оширишда ёшларимизнинг меҳнат шижоати ва ғайратига катта умид боғламоқдамиз.

Барака РУСТАМОВ,
Муборак газни қайта ишлаш заводи директори

Муборак газни қайта ишлаш заводи жамоаси


Мустақил Ўзбекистон халқини кириб келаётган кутлуғ

байрамлар — Қурбон ҳайити ва Наврўзи олам билан

чин қалбдан муборакбод этади.

Уларнинг оилаларига сўхат-саломатлик,

кут-барака тилайди.



НУФУЗЛИ МУСОБАҚАЛАРГА ТАЙЁРМИЗ

Бугун пойтахтимиздаги "Жар" спорт мажмуида мамлакатимизнинг энг кучли каратэчилари ўртасида республика чемпионати бошланади. Унда барча вилоятлардан келган 8 ёшдан 19 ёшгача бўлган етти юз нафар спортчи ғолиблик учун гиламга чиқадилар.



— Мазкур мусобақада йигирмата жамоа вакиллари ката (кататэдаги кўргазмали чиқиш) ҳамда кумите (якка-якка олишув) бўйича беллашади, - деди Ўзбекистон Каратэ Миллий федерацияси президенти 6-ДАН соҳиби Нурхон Нафасов. - Мақсадимиз профессионал каратэчиларни танлаб олиб, апрель ойида Австралияда ўтказилажак Гран-при халқаро турнири, май ойида Японияда талабалар ўртасида кечадиган жаҳон чемпионати ҳамда октябрь ойида Мюнхенда (Германия) катталар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионати каби нуфузли беллашувларда иштирок этишдир. Қолаверса, 2004 йил Римдаги Олимпиада ўйинларида каратэ бўйича юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилувчиларни ҳозирданок тайёрлашга кучли эътибор қаратилаётир.

Федерация чемпионат ўтказишга тайёргарликни бир ой олдин бошлаган эди.

Н.Нафасовнинг айтишича, спортда башорат қилиб бўлмайди. Лекин бўлгуси баҳсларда пойтахтдаги "Азамат Карим" мактаби, профессионал каратэ маркази, Андижон ва Наманган вилояти каратэ мактаби спортчилари ғолиблик учун асосий даъвогарлар, деб тахмин қилинмоқда.

Чирчиқдаги от спорти мактабида ёшлар ўртасида тўсиқлардан сакраш бўйича Тошкент вилояти очиқ биринчилиги ўтказилди. "Соғлом авлод" йили ва Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган мазкур мусобақада республика спорт олий маҳорат мактаби "Улуғбек" номидаги ҳамда Тошкент вилояти от спорти мактабларининг 40 нафарга яқин тарбияланувчилари ғолиблик учун беллашдилар.

— Беллашувларда ёш чавандозлар учун отларни танлаш Осие от спорти



пеш-кадам бўлди. Евгения Клукова (Чирчиқ), Мусажон Содиқов (Улуғбек) минган тул-

ЁШ ЧАВАНДОЗЛАР БЕЛЛАШЧИВИ



федерацияси андозасига асосан қуръа ташлаш йўли билан аниқланди, - деди мусобақа ҳаками Жўрақўзи Турдиматов. - Дастлабки баҳслар 10-12 ёшли чавандозлар ўртасида кечди. Унда Мурод Нурмухаммедовнинг (РОММ) "Формат" лақабли оти

мида кейинги ўринларни банд этишди.

Мусобақа ғолиблари 13-18 март кунлари Тошкент шаҳри отчопарида ўтказилажак беллашувларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

"Туркистон-пресс"

Мамлакатимизнинг олтмишдан ортиқ олий ўқув юртлари ёшлари иштирок этаётган Республика талабалар университети талабалар ва уларнинг устозлари учун жиддий синовга айланди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги коллегиясида университетнинг биринчи босқичига яқун ясалди.

Биринчи босқич натижаларининг жид-

дий таҳлили шуни кўрсатдики, спортнинг 13 тури бўйича босқичма-босқич гуруҳлар, курслар, факультетларда ва финалда олий ўқув юртлари ўртасида ўтказиладиган университетда мусобақаларининг мақсад ва вазифалари айрим ўқув юртларида тўғри англаб етилмаган.

Биринчи Республика талабалар университетида сининг мақсади ёшларни жис-

Республика талабалар универсиадаси

моний ва маънавий камол топтириш, талабалар ўртасида кенг оммалашган спорт турларини ривожлантириш, талаба ёшларни мунтазам жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, 2001 йилда ўтказиладиган Жаҳон университетида иштирок этиш учун Ўзбекистон терма командасига номзодлар танлашдан иборат.

Кўпчилик ўқув юртларида университетда дастурининг бир қисмигина бажарилган. Масалан, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида спортнинг тўрт тури - футбол, волейбол, баскетбол ва стол тенниси бўйича мусобақалар ўтказилган, ҳолос. Ваҳоланки, университетда дастурида спортнинг гандбол, шахмат, кураш, бокс, сузиш, енгил атлетика, теннис, эркин ва юнон-рум курашига ҳам ўрин берилган.

Наманган, Самарқанд ва Фарғона университетларида университетда юқори даражада ташкил этилиб, мусобақалар тўлиқ дастур бўйича ўтказилганлиги қувонарлидир. Универсиада сузиш бассейни ва тиклаш марказига эга бўлган Андижон чет тиллар институтида ҳам яхши ташкил қилинган.

Шу кунларда республикада университетнинг иккинчи босқичи бошланди. Олий ўқув юртлари терма командалари ўртасида ўтаётган мусобақада ғолибликни қўлга киритган командага 25 майда Наманганда ўтказиладиган финал учрашувларига йўлланма берилади.

Шубҳасиз, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Камолот" республика ёшлар жамғармасининг ташаббусига жиддий ёндашган, шунингдек, ёшлар жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига фаол жалб этилган олий ўқув юртларининг кучли командаларигина финалга чиқади.

Биринчилик ғолиблари

Нукусда "Соғлом авлод йили"га бағишлаб 1984-85 йилларда туғилган ёшлар орасида бокс бўйича Қорақалпоғистон биринчилиги бўлиб ўтди. Унда барча шахар ва туманлардан 200 га яқин спортчи қатнашиб, 12 вазн тоифасида ғолиблик учун курашди.

Қизгин беллашувлар натижасига кўра Нукус шаҳри ёшлари 9 вазн тоифасида муваффақият қозонди. Қолган ўринларни Хўжайли, Тўртқўл ва амударёлик боксчилар эгаллади. Ғолиблар Қўқон шаҳрида бўладиган мамлакат биринчилигида қатнашади.

А.Искандаров,
ЎЗА мухбири

ЁШ БОКСЧИЛАР РИНГДА

Нукусда бокс бўйича 1984-85 йиллари туғилган ўспиринлар ўртасида Қорақалпоғистон Республикаси биринчилиги бўлиб ўтди. Уч кун давом этган бу мусобақада ўз вазн тоифалари бўйича Нукус шаҳридан Матназаров, Куламетов, Қўнғирот туманидан Қоражигитов, Қўчқоров, Хўжай-

ли туманидан Қулжонов, Тўртқўл туманидан Дуйсенов, Амударё туманидан Йўлдошевлар ғолиб бўлди.

Ғолиблар Қўқон шаҳрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон биринчилигида қатнашади.

"НАВБАҲОР-2000" ТАНЛОВИ

Кегайли туманида "Навбаҳор-2000" танлови бўлиб ўтди. Туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган ушбу тадбирда меҳнат жамоалари ва ўқув юртларидан 7 иштирокчи қатнашди.

Қизлар ўзларининг одоб-икромни, овқат тайёрлаш, кийим тикиш иқтидори, савол-жавоблар бўйича ўз имкониятларини намойиш этишди. Туман халқ таълими бўлимига қарашли 9-ўрта мактаб ўқитувчиси Олтингул Қайтекеева биринчи ўринни эгаллаб, танлов ғолиби бўлди. Иккинчи ўринни "Халқобод момиги" ҳиссасдорлик жамияти ишчиси Салтанат Сапарбоева, учинчи ўринни тумандаги 23-касб-хунар лицейи ўқитувчиси Узила Бекмуратовалар эгаллашди.

Довуд АБИБУЛЛАЕВ,
Қорақалпоғистон,
"Туркистон-пресс"

Кўнглик муъжизаси

ҚАНЧА ОШИҚ БЎЛСАМ МАЖНУНМАН ШУНЧА



ЖОНТТИ ШЕЪР

Ўзича кўёшдек порлар сурайё,
Умидим — тонгларга айласам сафар.
Кўзим ёшларида гуллаган дунё,
Нилуфар, нилуфар, нилуфар.

Меҳри юлдузлари кўкларда олис,
Кўзим учқунидан сачраган гавҳар.
Телба юрагимдай, гамимдай холис,
Нилуфар, нилуфар, нилуфар.

Нафиса оҳанглар сочди дил гули,
Бу қандай тароват, бу қандай ифор.
Кун десам кунлардан тафтли, ёғдули,
Нилуфар, нилуфар, нилуфар.

Ўйларинг чангида тўхтаб қолди вақт,
Соҳира туйғулар рангида сахар.
Бахтлардан ясалган илоҳий бир тахт,
Нилуфар, нилуфар, нилуфар.

* * *

Кўкда юлдузлар оз, ошиқларинг кўп,
Ҳаммасин армони, андуҳлари хўб.
Жонгинам, юзимни, кўзларимни ўп,
Кўнглинг осмонида танҳо юлдузман.

Бу боғлар ўйларинг ўзгани қўйма,
Ўзга чаманларни кезгани қўйма.
Ўзимни, дунёни сезгани қўйма,
Кўнглинг осмонида танҳо юлдузман.

Атиргул ҳам бисёр, нарғислар қанча,
Кўзим кўкайида очилган гунча.
Қанча ошиқ бўлсам Мажнунман шунча,
Кўнглинг осмонида танҳо юлдузман.

Жоним, нигоҳингда ҳайқирар уним,
Жон дея талпинган дардларим дуркун.
Бир кун тошлар ҳам эрийди, бир кун...
Кўнглинг осмонида танҳо юлдузман.

* * *

Бизни ҳеч ким тушунмайди куз,
Кўй, бағримни ўртама хазон.
Кўнглинг бўлса, мендан кўнглинг уз,
Севдим дедим, севганим ёлгон.

Оҳ! буралиб йиғлайди йўллар,
Кимга осон, кимларга осон.
Туфроқларда оқади диллар,
Севдим дедим, севганим ёлгон.

Дараларда илонлар кўпдир,
Заҳар сочар, қақади ёмон.

Сенинг исминг нимаёйди тақдир,
Севдим дедим, севганим ёлгон.

Гуллар ўйнар, қалбимда эса,
Туйғуларим уради жавлон.
Лабу бағрим қонатган бўлса,
Севдим дедим, севганим ёлгон.

Қани гуллар, дилим бўлсайди,
Меҳр армон, муҳаббат армон.
Кумриларим кимларнинг сайди,
Севдим дедим, севганим ёлгон.

* * *

Айтгин, мужгонимда мавжланган шабнам,
Кўзимда юрагим куёшдай балқир.
Мен ҳали боламан, мен ёш боламан,
Мени ёмон кўриб бўлмайди, ахир.

Шафқатни билмайди дунёи беҳис,
Муҳаббат бечора, муҳаббат сағир.
Сенинг руҳинг нарғис, вуҳудинг нарғис,
Мени ёмон кўриб бўлмайди, ахир.

Қирққизда қирқда гул бепарво уқлар,
Рухингда гуллаган бир исм тақдир.
Кўзимда аҳли кул тебраниб йиғлар,
Мени ёмон кўриб бўлмайди, ахир.

Дил-жомда товланган атиргулдай ол —
Менинг ҳаётимдан сўйлайди чоғир.
Ҳазонларни кўкка учирган шамол,
Мени ёмон кўриб бўлмайди, ахир.

Билмайман чулдираб сўйлайдим нени,
Бу не ҳолатдирки кўнглимда содир.
Аслида менимас, аслида сени...
Сени ёмон кўриб бўлмайди, ахир.

Ғайрат МАЖИД

Бутун олам, ер, осмон, ҳатто унинг кўксига қадалиб қолган юлдузлар дунёнинг бир дунё изтиробидан ҳоригандек туюлган ўша кунда менинг ташналик ва палагда тухум каби чидаб бўлмас қуланса хид таъсирию, азойи баданимни эгаллаган кучли оғриқдан жоним узилди... Анчадан буён таъкиб этиб келаётган ажал муроди-га етганди. Энди асроилнинг совуқ панжасио, бакрайган бежо кўзларига бокиб ундан шафқат тилаб бўлмасди. Улимимдан бир неча соат аввалги ҳолатни яхши эслаймам. Тўғри, ўша сониялар кўпроқ болалигимни ёдга олдим. Гуноҳкор дунёнинг бегуноҳ аламзадаси — ўша олис болалигимнинг бир кунидаги танишим бўлган оғриқ бунга сабабчи эди... Ўша кун қон босимим пасайиб, кўзларим киртайган, таним оғриқдан ловиллаб ёнаётган бўлса ҳам самонинг эркин фуқаролари — кушлар ҳақида ўй сурган эдим...

... Унинг оғриқдан аъзойи бадани қақшаб-музлаб кетди. Кўнгли айниб, ўқчигиси келса-да, бош кўтаришга ҳоли етмасди. Оёқлари, елкалари куйишиб-зирқираб оғрир, қорнида ҳам кучли оғриқ бошланганди. Тамом, ҳаммаси тугади — машъум ўйдан бадани жимирлаб, сесканди... Энди кўмишади... Қизик, наҳотки уни ҳам кўмишса, умрига, айнан гўр болалик кунларига нуқта қўйилса? ...Қабристон... Уни тобутга солиб, ўша жойдан — аввалдан тайёрлаб қўйилган чуқурга элтишади. /У ҳеч қачон қабрининг қандай қазилишини, одам боласининг қай тарзда кўмилишини кўрмаган бўлса-да, катталардан эшитган, кўз олдида аниқ гавдалантира оларди/. Аввал чуқур қазийди. Сўнг ўша чуқурнинг чап томонидан махсус "уйча" қилишади. Мулланинг чўзиб ўқиган сураю, бир-икки ирим-сирим билан уни авайлаб ўша "уйча" жойлаштиришади /кафанга ўраб ташлашларини-чи!/. Кейин чуқурга тупроқ тортишади.

— Энди у йўқ. Анаву милтираётган юлдузларни, саҳийлик билан нур сочаётган оймомони, хуллас, ёруғ осмонни кўришдан маҳрум этилади. Нега, айби нима?... Яна оғриқ кучайди...
— Им, -сувсизликдан қақраб қотиб қолган лабларини зўрға қимирлатиб тамшанди. — Сув...
Наҳотки, у сўнги нафасда оғзига томизиладиган сувни сўраётган бўлса. Йўқ, йўқ, унинг сира ўлгиси йўқ... Ёрдам беринглар... Ярим тун, ҳамма мириқиб, тошдек қотиб ухламоқда. Фақат угина беором. Ҳеч кимнинг ҳеч қаери оғриётгани йўқ. Ёлғиз унинг бутун борлиги қақшапти — қаердан илашди бу ярамас дард?
— Им, им, қани энди тезроқ бир ёқлик

бўлса-а-а, онажон, ўялпман... Уйга борганида ота-онасининг ёнида бўлганида-ку оғриқ ҳам бироз пасаярмиди?!
Кушлар... Қизик, шунча оғриқ билан ҳам у яна кушлар тўғрисида хаёл суради-я. Бу дунёда уларгина эркин... Дунёнинг истаган четига истаган вақтларида учиб боришади. Бирор зот кимсан, қаердан келдинг деб ҳужжат талаб қилмайди. Эркинлик... бу ҳақда эрки тортиб олинган одамлар кўпроқ ўйлашади. Нега энди куш бўлиб яралмадик экан-а, улар учун ҳеч қандай қонун чиқарилмаган. Жиноят, гуноҳ қилдинг деб сиқулга ҳам олаверишмайди. Кушлар одам болаларига ўхшаб ўз қавминга ўқ-ёйлар, тухмату бўҳтон, ҳийла эвазига ўйлаб топилган ажал билан "сийламайди". Улар жуфт-жуфт бўлишиб, бир-бирларидан ҳадиксирамай, кенг самони кучганча қанот ёзиб бемалол учадилар. Қаерда дон, сув кўп бўлса, ўша жойни макон туттишади... Очлик ёмон нарса. Неча кунлар ошқозонинг таталаб, ичакларининг ямлаб-ҳазм қилмоқчидек бўлган бир вақтда тошни ҳам кемиришга тийёр бўлиб қолсан. Аммо кўнглинг қанча беҳузур бўлиб, кўз ол-

тмайди... Унинг яна кўнгли беҳузур бўлиб, ўқчигиси келди. Қорни оғригандан гўжанақ бўлиб қолди... Ишқилиб сариги кўзиб, жигари эзилмаган бўлсин. Пахтани кўп оғир кўтарди-да.

— Им... Онажон, ўялпман. Тирикликнинг қадрига "бир ўлиб тирилган" етар экан, она...

Агар ўлмай қолса, шу кунларни китоб қилиб ёзади. Унда очликдан қутқариб қолган "хув" адоқдаги хурмозорни ҳам унутмайди. Китобни "оғриқ" деб номлайди... Шу вақтгача эртақ ўқиб юрган экан. Энди эртақ эмас, қалин-қалин китобларни, инсон дардини ўқишни одат қилади...

— Она, ўялпман, сув... -наҳотки ўлиб қолса. Онаси, онажониси энди ўғлини эмас, совуқ қабрини кучиб йиғласа-я... Қайтага шунча қийналгандан ўлгани маъқул эмасми?! Ушанда ҳеч қаери оғримайди. Ҳеч ким пахтазорга судраб киргизиб, теришга ҳам мажбур қилмайди. Хотиржам тортиб, тинчгина ётаверади. Инсон боласи ўлимдан кейингина хотиржам бўлиб қоларкан-да. Тирикликнинг безъамни ташвиши бунчалар кўп бўлмаса.

— Асрор, нима тобинг йўқми, -тонг отаётган паллада аллақимнинг совуқ кафти пешонасига босилди.

— Асроил, қоч, йўқол... -алаҳсиради болакай.

— Э, кеча пахтага

дори сепишганди, шунга мазаси қочган, -деди атрофни ўраб олганлардан кимдир.

— Бу бола сариқ билан оғриган эди. Балким яна кўзгагандир-да.

— Кеча қўлмақда йиғилиб қолган лойқа сувни ичаётганди... -деди яна бири.


Энди касали сабабини аниқлашларининг унга ҳеч қизиғи йўқ. Барибери ўлади. Биратўла ҳамма ташвишдан қутилади...

Бола айни шу лаҳзаларда ҳушидан кетди.

... Ниҳоят асроилнинг тинимсиз таъкибларидан қутилди. Менинг безовта руҳим бу дунёни қачон тарк этганини ҳам англолмай қолдим. Олис болалик кунларимда ёки йигитлик давримдами?! Аммо биламанки, ўша кунлардаги оғриқ токи омонат жонни асроилга топширмагунча мени таъкиб этаверади.

... Оғриқ... Менинг болалигимнинггина эмас, ҳатто улкан она — дунёнинг ҳам елкасида шу дард босиб турибди. Унинг ҳам бутун борлиги зирқираб куюшиб оғриётган, елкаларини одам болаларининг изтиробли юки эзиб келаётган эди...

Маягўзал ЧОРИЕВА



Ассалому алайкум "Туркистон" газетаси таҳририяти. Мен газетангизни қолдирмасдан ўқишга ҳаракат қиламан. Кейинги сонларда чоп этилган "Сизни излайман" саҳифаларингиз менга жуда маъқул келди. Менинг ҳам излаган кишим борлиги учун ушбу саҳифага хат йўллашга қарор қилдим. Ушбу хатни чоп этасизлар деган умиддаман.

Биз у билан 1996 йил кузида пахта терими вақтида танишган эдик. Унинг исми Жаҳонгир. У билан тез орада жуда иноқ дўстлашдик. Терим мавсуми тугагач, ажралиб кетдик. Мен унинг ўзи, оиласи ҳақида билишни истайман. Жаҳонгир ўзини Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ туманиданман деб таништирган эди. Ўша пайтда хат ёзишга жазм қилолмаганим, ҳозир эса аниқ манзилини билмайман.

Жаҳонгир ака, агар ушбу хатни ўқиб қолсангиз, илтимос, менга бир энлик хат йўлланг. Сиз билан хат ёзишсам, сиз ҳақингизда бирон-бир маълумотга эга бўлсам ўзимни бахтиёр ҳис этаман. Тўлиқ манзилим таҳририятда.

**НОДИРА,
Кумкўргон шахри**

Ассалому алайкум "Сизни излайман" саҳифаси ижодкорлари! Ушбу саҳифани яратиб жуда яхши иш қилибсизлар. Негаки бир ҳудудда яшаётган инсонлар ҳам бир-бирини излайдилар, сизлар эса ушбу муам-



мони ечишга ёрдам беряпсизлар. Газетангизнинг 2000 йил 26 январь сонидagi "Куёвтўра" саҳифасидаги Жасур исмли йигит билан танишмоқчиман. У кишининг маъноли сўзларини ўқиб, улар билан танишиш иштиёқи туғилди. Мен оддий оиладанман, ёшим 23 да, турмушга чиқмаганман. Яқин йироқда дўстларим кўпайишини хоҳлайман. Жасур ака, илтимос, мени тўғри тушунинг, мен фақат ким биландир хат ёзишишни хоҳлардим.

Орадаги масофа узоқ бўлишига қарамасдан, сиз билан яқин дўст бўламан деган умиддаман. Манзилимни таҳририятга кўнғироқ қилиб билиб оласиз ва менга хат йўллайсиз, деб

**ОЗОДА,
Сурхондарё**

Ёшим 33 да. Тиббиёт билим юртида ишлайман. Мен ҳам бир нодон кимса орқали бахтсиз бўлиб қолдим. Фарзандим йўқ. Зора мени тушунадиган, ақли, 35-38 ёшлар атрофидаги уйим-жойим дейдиган, ўз бахтини излаб юрган киши билан танишсам.

Мен ҳам ўз бахтимни топиб оилали, фарзандли бўлсам дейман.

Ҳурматли таҳририят ходимлари, менга ўз бахтимни топиб кетишимда ёрдам берасизлар деган умиддаман.

**ОЙЖАМОЛ,
Термиз шахри**

I. Мулақот ҳовнаари

1898 йил. Андижон кўзғолони ҳақида кўп асарлар ёзилган. Лекин чинакам ҳақиқат ҳали очилмаган... 1897 йилда рус разведкаси Муҳаммад Али эшоннинг Туркия билан алоқа боғлаганлиги ҳақида маълумот олган. Хусусан, унинг турк султониға мактуб билан муружаат қилганидан хабардор бўлган. Муҳаммад Али турк султониға унинг Россия императоридан халқнинг шариат қонун-қоидалари бўйича турмуш кечириши учун шароит яратишни талаб қилишини сўрайди.

Махфий хизмат Мингтепа қишлоғи рус ҳокимиятига қарши муҳолиф кучлар марказиға айланганини ўз вақтида англаб етади. Ифвогарлик бобида устаси фаранг рус махфий хизмати 1898 йил май ойида XIX асрнинг энг катта иғволарини тайёрлайди. Оз сонли муҳолифатчиларнинг ҳукуматга қарши очиқ чиқишиға замин ҳозирлайди.

Ўша воқеалар гувоҳининг ҳикоясиға кўра, "Мингтепада қиёмат барпо бўлиб, ҳамма хотин-халаж, эркак кўчаға чиқиб, "Эшон хон кўтарилди!" деб шойи қилдилар. Хуфтон вақти эди. Бирдан ҳар ким кўлиға тушган нарсани олиб, кимдир пичоқ, кимдир шоп, кимдир тўппон-

вот, газовот" деган ҳайқириклар янграб, узоқдан Муҳаммад Али бош бўлган кўзғолончилар кўринди. Илғор қисмға Мулла Аҳмад исмли қирғиз бош бўлиб, у телеграф симларини қирқишға буйруқ олади. Улар йўлда Асака миршабини учратиб, уни ўлдиришади. Мулла Зиёвиддин Маҳсум бош бўлган кўзғолончилар Кўнжи қишлоғиға киришганда уларға яна 200 киши кўшилади. Қорақўрғон ва Ўқчида ўтиб, Кўйлиға яқинлашганда уларға мингбоши Фойибназар ўз йигитлари билан кўшилади. Мингбоши рус мирзаси Бичковнинг калласини эшонға тортиқ қиладди. Эшон Фойибназарға раҳмат айтади, лекин каллани қабул қилмайди. Кўзғолончилар Андижонға яқинлашганда уларға бий савдогар Алибой қуроллантириб юборган 150 йигит кўшилади. Андижон йигитларига аввал русларда хизматкор бўлиб, кейин эшонға мурид бўлган Муҳаммад Зулум қўмандонлик қилган.

Шаҳардан чўвалашиб чиққан кўзғолончиларни кўрган шаҳар аҳли ҳайрон бўлганча нима ҳодиса рўй берганлигини тушунмай қолди. Гувоҳлар эслашича "Эшон янги шаҳардан қочганича ва Хўқандға қараб келаётганда баъзи сўфилар отларини кўчаға ташлаб, Хўқанддаги боғларға кириб бекиниб

ни билиб, кўрқанидан аскарларига эски тўнлар бериб, саллаларини кийдириб, мардикорларға ўшатиб, ишлатиб қоладилар. Эски шаҳардан қочганлари Қорақўрғон кема билан ўтганча ҳар қайсилари ўз жонларини сақлаш фикриға тушиб, тўғри келган томонға қочадилар". Андижонда, айниқса янги шаҳарда мустамлакачи амалдорлардан тортиб то оддий фуқароға ваҳимаға тушиб, уларига беркиниб ва мусулмонларнинг ялпи ҳужумини кутган. Ҳатто туманбоши полковник Коншевский ҳам кўчаға чиқибдан кўрқиб, уйда беркиниб ётган. Унинг олдига эски шаҳар оқсоқоли мингбоши Холботир Рўздор(бий) ўғли келгандагина у воқеани тинч тугаганини билган. Гувоҳларнинг ёзишича, агар эшон эски шаҳарда соат 8-10 ларға турганида, халқ тўпланиб миллий муҳораба бошланар эди. "Чунки у вақтларда умумий халқ Русия ҳукуматининг зулмидан ниҳоят безор бўлиб, кўзғалишға ҳеч фурсат тополмай юрарди. Фуқаро бундан беҳабар, бозорлар ҳар кунгидек очилиб, ҳамма ўз тирикчилигиға машғул бўлди. Соат 9 ларда шўхрат бўлдики, йикчи эшон шаҳарға ҳужум қилиб, татом солдатларни ўлдириб чиқиб кетибдир, деб. Бу хабар тарқалгондан кейин эски шаҳарнинг

КАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

аҳволотини янги шаҳарға хабар бермоқ учун отланиб, чиқиб кўрдик, янги шаҳарда ҳеч ким йўқ".

Кўзғолоннинг биринчи кунидеҳ кучларнинг тарқоқлиги кўринди. Ҳамма бир вақтда кўтарилмади. Кетмонтепа ва Кўгартдаги қирғизлар сардори Чибил бўлис зудлик билан эшонға кўшилиш ўрниға "аввал шу жойдаги мужикларни саранжом қилиб, кейин борамиз" дея рус деҳқонлари посёлкаларига юриш қилди. Иноятхон эшон Марғилонға ҳужумни уштиролмай, асосий кучларни Муҳаммад Али кўшини билан бирлаштиришға қарор қилди. Умарбек додхоҳ ҳам ўшға юришни бажара олмай қолди. Чунки мингбоши Қорабек Ҳасанов ўш туни бошлиғи подполковник Зайцевни олдиндан огоҳлантирган эди.

Яна бошқа ғалати тасодифлар ҳам кўзға ташланади.

Гарнизон аскарларининг ярмидан кўпроғи Андижондан бир неча қақирим наридаги ўт очиш майдониға олиб кетилган. Қолган аскарларининг кўпчилиги эндиғина сафға қақиримдан ёш йигитлар бўлган. Ундан ҳам ғалати ҳол шуки, казармадаги пирамида милтиқ-

ДУКЧИ ЭШОН

Ўқилмаган саҳифалар

ча, қайсилари милтиқ, хулоса ҳар ким топган нарсани олиб, тахминан олти юз чамаси бўлган киши шаҳарға қараб жўнаб қолдилар. Булар кечаси билан юриб, эрта саҳар Андижонға, Чакандаға келдилар". Кўзғолон қатнашчиларидан Матмусанин маълумотиға кўра, 17 май кечқурун Тожик қишлоғида "газо-

қолдилар. Эрта билан Хўқанд аҳли боғларида буларни кўриб, аҳвол-



катта оқсоқоли Холботир мингбоши Рўздор (бий) ўғли эски шаҳар

донининг биринчи қаторидаги аскар милтиқлари жойида турган бўлса, иккинчи қатордаги беш аскарлар кўлида шай турган. Худди шу иккинчи қатордагилар кўзғолончиларға тўсатдан ўт очишди.

Андижоннинг янги шаҳар қисмиға келган кўзғолончиларға айтарли қар-

шлик қилмай, уларға йўл кўрсатган қоровулнинг хатти-ҳаракати ҳам шўҳали эди. Ўша, 17 май куни Андижон горнизонида отлик аскарларнинг йўқлиги ҳам таажубланарлидир.

Марғилон горнизонида эса ўша кечаси атайлаб солдатларнинг ухлаб қолмаслиги учун базм ташкил қилинган ҳам тасодифий бўлмас керак. Кўзғолончилар эса горнизондагилар уйқуда эмаслигини аниқлаб, орқаға қайтишган.

Андижон кўзғолониға оид 20 жилдлик тергов ва сўроқ-жавоб материаллари ҳамда кўплаб адабиётларда бир қанча жумбоқларға жавоб топа олмаймиз. Чунки чоризмнинг махфий хизмати девор орқасида туриб ошға оғу солишға моҳирлигидан ташқари, из йўқотишға қодирликда ҳам устаси фаранг эди.

Шундай қилиб, Муҳаммад Алининг кўзғолонни атрофлича ва пухта тайёрламай, ҳарб илмидан беҳабар, палапартиш қуролланган муридлари билан 1898 йил 17 майда Чор истибдодига қарши курашға кўтарилгани рус мустамлакачилари учун айни муддао бўлди. Улар учун, ўлкадаги барча норози кучларға раҳбарлик қилиб, халқни ўзига эргаштира оладиган сиёсий-диний арбоб ўзини ошкор қилган эди. Эндиликда уни ҳеч тап тортмай йўқотиш ва шу баҳонада мустамлака исқанжасидан норозиларға даҳшат солиш учун қатли ом уштиришға зўр дастак топилганди.

Россия императори бош штаб генерал-лейтенанти Корольковға Туркистон ҳарбий округида ёзғи машқларни бекор қилиш, "овчи" команда кўшинларини Фарғонанин турли туманларига юбориш, шаҳарлардаги ва темир йўллардаги барча руслар, келгинди мужикларни ёппасиға қуроллантириш ҳамда ишончли ерли амалдорларға махсус ёрликлар билан ов милтиқларини беришни тайинлади. Мусулмонлар қониға ташна Корольков зуд-

лик билан ишға киришиб, 1898 йил 20 май куни "бўшанглик қилган" Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Поваля-Швейковскийни, туман ҳокимини, Асака участка пристави капитан Еникаевни лавозимидан четлатди. У ўзига маслакдош мустамлакачи жангариларидан генерал Чайковскийни Фарғона губернатори, генерал Ионови Фарғона кўшинлари қўмондонлиги қилиб тайинлаб, шафқатсиз чоралар кўришда чекланмаган ваколатлар берди. Корольков шахсан ўзига махсус дала штаби тайин қилиб, унга маҳкама бошқарувчиси Девелни, "Туркестанские ведомости" газетаси муҳаррири, подполковник Романовични, ҳарбий прокурор, генерал-майор Долинскийни, алоҳида ўта муҳим ишлар бўйича ҳарбий терговчи полковник Некрасовни олди ва Фарғонаға жўнади. У Тошкентдаги 1-ўқчи батальони, Қўқондаги 5-Оренбург казак полки, Андижондаги 5 "овчи" командадан иборат жазо экспедициясини тузди.

Мустамлакачилар асосий диққатларини Муҳаммад Али эшонни тутишға қаратишди. Бу соҳада сопини ўзидан чиқаришни ўйлаб, эшонни ўзбекларнинг ўзи ушлаб беришларини мақсад қилишди. Ана шу мақсадни амалға ошириш учун рус амалдорлари "Қайси мингбоши, хоҳ фуқаро бўлсин, хоҳ бошқа эшонни тутиб келса, Андижон шаҳриға истарший оқсоқол қилинур" деб эълон қилишди. Гувоҳлар маълумоти ва шохидлигиға асосланган ҳамда воқеани кўрган тадқиқотчини ёзишича, рус аскарлари Мингтепаға боргунча "ким учраса, отиб ўлдириб, эшоннинг ҳовлисига етиб, дафъатан атрофини ўраб, тинтув қила

ки бўлса олиб, шаҳарға келдилар. Ашё жумласидан бир хос сандуқда кўп хатлар бор экан, буни ҳам олиб келиб таржима қилсалар, тамомиси ҳар кимдан борган дуойи саломлар экан. Бу дуойи саломлар кимдан бўлса, дарҳол шу одамларни тутмоққа амр қилинди. Шунинг учун Андижон шаҳридан кўп фуқаролар қамалдилар".

Бу вақтда Муҳаммад Али кўшини ҳар ёққа тарқаб, ўзи озчилик муридлар билан тоғларда адашиб юрар, эшон ўзи тушиб қолган тузоқдан қандоқ чиқишни билмай гангиб қолган эди. Муридлари ҳам саросимада қолишган. Чунки улар кутган воқеа юз бермади. Қўлларидан дарралар эшон дуоси билан милтиқларға айланмади, белбоғлари эса ўқ ўтмас совут бўлмади. Ана шунга қаттиқ ишонган биродарлари рус аскарларининг найзалари, ўқ ва тўплари ҳамда казак шамширларидан нобуд бўлишди. Муҳаммад Али ҳам паришон ҳолда ёнида қолган уч содиқ муриди билан Арслонбоб яқинидаги Тошқўприқда пистирмаға дуч келди. Рус мустамлакачилари ваъда қилган амалға учган миллатфурушлардан Қўқон қишлоқ мингбошиси Қодиркул ва бозор саркори Матёқуб эшонни тутиш учун тор йўлни тўсиб туришган эди. Орқаларида эса штабс-капитан Огабеков бошчилигидаги рус аскарлари шай туришган. Матёқуб Мадраҳим ўғли кўрбоши эшонни таниб, унинг олдига югуриб боради. "Эй, тақсир, мен сизни кутиб турибман ёрдам бер-

моқ учун" дея риёкорлик билан отдан тушади ва унга яқинлашади. Миллатдошидан ҳеч ёмонлик кутмаган эшон очиқ кўнгилик билан кўлидаги тўппончасини тушириб, отини тўхтатади. Матёқуб билан қучоқлашиб йиғлаб кўришади. Ёқуб бўлса эшонни кўтариб ерга босади ва шерикларини қақиради. Қодиркул мингбоши рус аскарлари билан бирға эшон ва унинг шерикларини боғлайди. У Муҳаммад Алиға "Хотин талоқ! Ҳаммани хонавайрон қилдинг-ку!" дейди масхаромуз. Бундай хиёнат ва ҳақоратларни ўз миллатдошларидан сира кутмаган эшон дили вайрон бўлиб, уларни башоратомуз лаънатлайди: "Икковинг ўлар вақтда жинни бўлиб ўлгин! Бизни русға тутиб берган қўлларинг билан ўзингни уриб, сўккан оғзинг билан ўзингни тишлаб ўлгин!"

Миллат хоинлари мустамлакачилар амалиға учиб кўзғолон раҳбарини шу тариқа рус жаллодларига топширишди. Қодиркул Андижон эски шаҳарға оқсоқол, Матёқуб кўрбоши эса Қўқон қишлоққа мингбоши бўлиб тайинланади. Босар-тусарини билмай уларға астойдил хизмат қилишди, аммо лаганбардорликлари ҳам, хушомадгўйликлари ҳам иш бермай, оқибат кўришмади. Хиёнат билан берилган амал вафо қилмади.

Эшон қарғиши тез орада амалға ошгани қизиқ. Қодиркул орадан кўп ўтмай бир арман бойини ургани учун судға берилиб, мансабидан бекор қилинди. Мустамлакачиларға қилган хизматиға мукофоти шу бўлди. У Қўқон қишлоққа қайтиб бетобланди. Эшон қарғиши амалға ошиб, Қодиркул жинни бўлди ва ўзини-ўзи жароҳатлаб ўлдирди. Матёқуб ҳам беш ойдан сўнғ шундай ўлимға дучор бўлди.

**Ҳамдам СОДИКОВ,
Рустам ШАМСУТДИНОВ,
Поён РАВШАНОВ,
тарих фанлари докторлари**

“Камолот” СТИПЕНДИЯСИ

Умумтаълим мактабларида таълим олаётган ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” жамғармаси Бухоро шаҳар бўлими махсус стипендиялар беришни ташкил этди. Шу кунларда Бухоро шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 37 та умумтаълим мактабидаги иқтидорли ўқувчилар дастлабки рағбатлантирувчи мукофотдан баҳраманд бўлди.

Илҳом САФАР,
ЎЗА мухбири

Ю П Д У З Л А Р САМОДАН СЎЗПАЙДИ

(13 МАРТАН
13 МАРТГАЧА)

ХАМАЛ. Душанба ва чоршанбада асабни асранг. Сешанба куни қувонасиз. Пайшанбада сирли учрашув. Жумадан янгилик кутинг. Шанба куни соғлиқ-кайфиятингиз яхши эмас. Якшанбада ҳамкорлар билан янги битимлар тузасиз.

САВР. Ҳафта бошида зиддиятлардан нари юринг. Акс ҳолда сешанбада соғлигингиз панд беради. Муҳим масалаларни чоршанба куни ҳал этинг. Жумада ишлар о'кей. Шанба ва якшанба кунлари кўпдан кутаётган одамингиз билан дийдорлашасиз.

ЖАВЗО. Душанбада сизни сўроқлашади. Сешанба ва чоршанба кунлари кўпам сиқилманг. Пайшанба ишбилармон-

БИР СОАТДА МИЛЛИОНЕРГА АЙЛАНДИ

Ҳиндистонлик тадбиркор Прокаш Мехта ишонасининг эски жавонидаги кераксиз хужжатлар сақланадиган тортмани тозалаётиб “Випро” компаниясининг мол-мулкига эгалик қилиши мумкинлиги ҳақидаги гувоҳномаларни кўриб қолди.

Саксонинчи йилларда Мехтанинг отаси яқин дўсти тузган “Випро” корхонасининг оёққа туриб олишига ёрдамлашмоқчи бўлиб, унинг жами 225 рупий бўлган 300 та акциясини сотиб олган экан. Кейинчалик бундай қимматбаҳо қоғозлар борлигини унутиб юборди.

Йиллар ўтиб, корхона Ҳиндистондаги энг йирик фирмалардан бирига айланди. Ўн беш йил муқаддам арзимас пулга харид қилинган акциялар миқдори 28 мингга етди. Ҳар бир акция баҳоси эса 7000 рупийга (160 доллар) қимматлашди. Демак, Прокаш Мехта соҳиб топиб олган, марҳум отасидан қолган акциялар ҳисобига 4,5 миллион долларлик бойликка эга бўлди.

— Бировга яхшилик қилсанг, албатта бир куни яхшилик қайтар экан, — дейди ҳиндистонлик янги миллионер Мехта жаноблари.

ПУЛТОПАРЛАР ХОРДИФИ

Пул топишга муккасидан шўнгиган одам руҳий жиҳатдан тез чарчайди. Асаблари қақшаган пулдорлар чарчоғини қандай тарқатаркин? “Юнайтед парсел сервис” компанияси америкалик тадбиркорларга йўл-йўриқ кўрсатиш мақсадида европалик ишбилармонларнинг бу бо-

радаги тажрибаси билан қизиқди.

Британияликлар чарчоғига “панд бериш” учун бир финжон спиртли ичимлик ичаркан.

Французлар вино ичишдан ташқари ресторанда тўйиб овқатланади.

Голландиялик тадбиркорлар уйига келиб, сеvimли машғулоти — ошхонада ўзига ёқадиган таом пишириш билан шуғулланади.

Бельгиялик ишбилармонларнинг 11 фоизи эса кун бўйи ҳориб-чарчаб уйга қайтгач, асабларига дам бериш ўрнига... туни билан янада кўпроқ пул топиш йўлларини қидираб экан.

Ўзбек пулдорлари-чи? Ҳозирча хорижликлар бу ҳақда ўйлаб кўришмабди.

ҲОКИМЛИККА ДАЪВОГАР ЙЎҚ

Испаниялик олим Хосе Антонио Флореснинг тадқиқотларига кўра, амалдорлар бошқа тоифадаги ходимларга нисбатан юрак-қон томирлари хасталиқларига икки мартаба кўпроқ чалинади экан. Бу мамлакатда ҳам давлат идораси ходимлиги нуфузли лавозим ҳисобланади. Аммо бу касб эгалари ишнинг кўплиги ва вақти чегараланмагани ҳамда асабийликдан доимо азият чекади. Айниқса юқори лавозимдаги раҳбарларнинг хархашаси қийнаб юборади.

Шунинг учун бўлса керак Мальвин (Фолкленд) ороллари ҳокимлиги лавозимини эгаллашга кўп вақт даъвогар топилмаган эди. Ҳатто, Британия газеталарида губернаторликка танлов ҳақида эълон чоп этилди. Унда, ҳокимнинг маоши йилига 120 минг доллар, қўл остида 620 нафар ходимлар бўлиши, шаҳарча аҳолисининг сони 2 минг нафар, бюджети 64 минг доллар эканлигини ёзишди. Шунга қарамай, анча вақтгача мўъжазгина шаҳарча ҳокими бўладиган одам топилиши мушкул бўлди.

Тадбиркорга ёрдам

Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитасининг илмий-техник ахборот давлат жамғармаси “Кичик бизнес учун техника ва технология” деб номланган маълумотномани босмадан чиқарди. У “Евразия” жамғармаси иштирокида тайёрланди.

Тадбиркорларга мўлжалланган бу маълумотнома уларнинг яхши кўмакчасига айланиши лозим. Унда мамлакатимиз олимлари, тадқиқотчилари, инновацион илмий ташкилотларининг кичик ва хусусий бизнес корхоналарига замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкониятини берувчи янгиликларни қисқача баён қилинган.

Энди бундай маълумотномалар ҳар йили чоп этилади. Уни тузувчиларнинг фикрича, янги корхона олдида турадиган асосий муаммолардан бири - кам харажат билан кўп фойда берувчи ишлаб чиқариш технологияси ва ускуналарини излаш ҳамда тўғри танлашдан иборат. Янги маълумотнома худди шу муаммони ечишда тадбиркорга ёрдам беришга мўлжалланган.

(ЎЗА мухбири)



лар учун омадли. Жумада бойийсиз. Дам олиш кунларини оила даврасида ўтказинг.

САРАТОН. Соғлиқ-кайфиятингиз душанбада безовта қилади. Сешанба куни асабни асранг. Чоршанбада қувонасиз. Пайшанба куни ишлар о'кей. Жумада бозорингиз бароридан келади. Шанба куни сирли учрашув. Якшанбадан янгилик кутинг.

АСАД. Ҳафта боши молиявий аҳволингизни яхшилайдди. Сешанбада қувонасиз. Чоршанба куни яқинингизни кутинг. Пайшанбада соғлигингизни ўйланг. Муҳим ишларни жума ва шанбага қолдирганингиз маъқул. Якшанба ижодкорлар куни.

СУНБУЛА. Душанбада бойийсиз. Сешанба куни кайфиятингиз аъло. Пайшанбада яқинлар дийдорлашуви. Ҳамкорлар билан учрашувни жумага белгиланг. Дам олиш учун шанба хайрли кун. Якшанбадаги хариддан кўнглингиз тўлади.

МЕЗОН. Ишбилармонлар учун омадли кун душанба. Сешанбада зиддиятлардан нари юринг. Чоршанба куни муҳим янгиликдан воқиф бўласиз. Пайшанбада ишлар о'кей. Жума ва шанба кунлари сирли учрашув. Якшанбада яхши дам олинг.

АКРАБ. Душанбада асабийлашманг. Сешанба куни ҳамкорлар билан янги битимлар тузасиз. Чоршанбадан хушхабар кутинг. Пайшанбада бойийсиз. Жумадаги хариддан кўнглингиз тўлади. Шанба қувончли кун.

КАВС. Молиявий муаммолар душанбада ҳал этилади. Сешанба куни қувонасиз. Чоршанбада сирли учрашув. Пайшанба янгиликдан огоҳ этади. Жумада алданиб қолманг. Дам олиш кунлари қувончли воқеалар содир бўлади.

ЖАДЙ. Соғлиқ учун қайғуриш кераклигини душанбада унутманг. Сешанба куни муҳим ишларни ҳал қилинг. Чоршанба кутганингиздек келади. Пайшанбада қувонасиз. Жума куни сирли учрашув. Шанбада асабни асранг.

ДАЛВ. Ҳафта боши руҳиятингизни кўтаради. Сешанба куни ишбилармонлар учрашуви. Чоршанба ва пайшанбада бойийсиз. Жума куни хушхабар кутинг. Шанба ва якшанбада кўпдан кутаётган одамингиз билан дийдорлашасиз.

ХУТ. Душанбада қувонасиз. Сешанба ва пайшанба куни алданиб қолманг. Чоршанбада янгилик эшитасиз. Жума куни молиявий аҳволингиз яхшиланади. Якшанбада мириқиб дам олинг.

БИР ЮЗ ЎН БОЛАНИНГ ОНАСИ

— Юртимизда Санам Очилова каби сахий, бағрикенг, саховатталаб аёллар кўпайса, деб орзу қиламан, — деди “Туркистон-пресс” мухбирига Китоб туманидаги Фафур Гулом номли меҳрибонлик уйи директори Шохиста Қодирова. — Шу киши туфайли болаларимиз ҳеч нарсага муҳтожлик сезмай ўсмоқда.

Санам Очилова раҳбарлик қилаётган “Фонон” фирмаси меҳрибонлик уйини ҳомийликка олган. Болалар ҳам бу меҳрибон опани сал кўришмаса қўмсаб қолишади. Муруватпешалиги билан кўпчилиكنинг ҳурматиға сазовор бўлган бу аёлни китобликлар “110 боланинг онаси” дейишади. Яқинда у кишининг фирмаси хайрия тариқасида болалар уйига беш юз минг сўм маблағ ажратди.

Шарофат АШУРОВА

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир
Лола СОАТОВА



Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69



Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.